2011 йил 19 август, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 163 (11.974) Баҳоси эркин нархда

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раҳбар ходимлари иштирокида «Мустақил Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик тамойиллари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон ва дин эркинлиги борасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик- ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

● Хива шаҳри, Хива ва Ҳазорасп туманларида барча қулайликларга эга, замон талабларига тўла жавоб берадигаи фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимлари бинолари фойдаланишга топширилди. Уларни қуриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини асосан «Хива қурилиш сервис» ҳусусий корхонаси бунёдкорлари амалга оширди.

● Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан «Чинор ЭНК» Экологик ноширлик компанияси, «Экосан» халқаро жамоат фонди ҳамда ОБСЕнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вакиллари иштирокида ОАВ ходимлари учун Сирдарё вилоятининг «Сайхун» хўжалигида юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган Экомедиатур сафари уюштирилди.

● Шаҳрихонда ёш ижодкорларнинг анъанавий «Шаҳрихонсой мавжлари» Республика семинари ўтказилди. Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда пойтахтдан ва қўшни вилоятлардан келган меҳмонлар, таниқли адиблар ҳамда 70 нафардан зиёд ёш ижодкорлар иштирок этди.

● Бекобод туманидаги «Назаров Асронқул» фермер хўжалиги банкнинг 22 миллион сўмлик кредити ҳисобидан сунъий ҳавза ташкил этиб, балиқчиликни йўлга қўйди. Қўшимча 3 киши иш билан таъминланган жамоа мавсумда аҳолига 160 миллион сўмлик 40 тонна балиқ тортиқ этишни мақсад қилган.

● Янги ўқув йилига қизғин ҳозирлик кўрилаётган айни кунларда Чуст туманидаги 26-мактабнинг моддий- техник базасини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 15 та компьютердан иборат жамланма, биттадан сканер ва проектор келтирилди.

## ЖАҲОНДА

● АҚШдаги йирик «AIG» суғурта компанияси 2008-2009 йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авжига чиққан пайтда давлатдан олган 2 миллиард долларлик қарзини қайтарди.

● Кеча Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефтнинг нархи 5,20 долларга пасайиб, бир баррели 82,38 долларни ташкил этди.

● Кеча Австралия жанубида вертолётнинг ҳалокатга учраши натижасида мамлакат телерадиокомпаниясининг уч нафар журналисти ҳаётдан кўз юмди.

● Кеча Бельгияда бўлиб ўтаётган мусиқа фестивали пайтида тўсатдан кучли бўроннинг юзага келиши натижасида уч киши ҳалок бўлди, 40 га яқин одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Россиянинг Приморье ўлкасида бир куннинг ўзида икки кишига оқ акула ҳужум қилиб, оғир ярадор этди. Шу муносабат билан ўлкадаги барча сув ҳавзаларида маълум муддатгача чўмилиш ман этилди.

● Москва области Жуковский шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро авиакосмик салон бугундан бошлаб барча хоҳловчилар учун ўз эшикларини очди.

● Жазоирнинг шимолий қисмида жойлашган Тизи-Узу шаҳрида камикадзе томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 30 киши жабрланди.

● Ҳиндистондаги йирик саноат, илмий ва маданият маркази хисобланмиш Калькутта шаҳри тез орада ноёб иншоотга эга бўлади. Бу ерда 2015 йилда Осиё қитъасида майдони жиҳатидан энг улкан– 27 минг квадрат метрлик замонавий санъат музейи қад ростлайди. 9 қаватли бинодан 44 та галерея, кинозал, кутубхона ва 1500 ўринли амфитеатр ўрин олади.

● АҚШда жиноятчилардан мусодара қилинган вазни 43,5 каратлик улкан сариқ бриллиант ким ошди савдосига қўйилади. Савдо ташкилотчиларининг маълумотларига кўра, 6 сентябрь куни ўтказиладиган аукционда бриллиантнинг бошланғич нархи 900 минг долларни ташкил этади.

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Саноқли кунлардан сўнг барчамиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини кенг миқёсда нишонлаймиз. Нафақат биз, балки, хорижнинг турли мамлакатларида истиқомат қилиб келаётган ҳамюртларимиз ҳам ушбу байрамни ўзгача шукуҳ билан қарши олишга интилмоқдалар. Байрамни муносиб кутиб олиш борасида жойларда амалга оширилаётган қатор ишлар сирасида пойтахтимизнинг Учтепа туманининг ҳам ҳиссаси салмоқли, албатта.**



## УЧТЕПА ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, биз мустақиллигимизни қўлга киритганимизнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз ташаббуси билан халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, олдимизга қўйган масадларимизга босқичма-босқич эришиб бормоқдамиз. Бугунги кунда бири - биридан озода кўчалар, равон йўллар, кўркам иморатлар, йирик ва кичик корхоналар пойтахтимиз чиройига янада чирой қўшаётир.

Жумладан, биргина Учтепа тумани мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ушбу туманда ўтган йигирма йил ичида тубдан ўзгаришлар ва янгиланишлар амалга оширилиб, янгидан-янги маҳаллалар, кўчалар барпо этилиб, фаровонликка юз тутган туманда аҳоли сони 243 минг 500 кишига етди.

Миллатимизга, халқимизга хос бўлган ажойиб одатлардан бири, бу тўкин дастурхон ёзиб меҳмон кутишдир. Урф-одатларимизга мос равишда ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда маҳсулотларни вақтида етказиб бериш мақсадида ҳозирга келиб, туманда иккита йирик бозор мавжуд.



Таъкидлаш жоизки, келажакка умид билан интилувчи давлат доимо тараққиётга, иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Келажаги буюк давлатимизга ҳам шундай йўналишлар хос. Бинобарин, юртимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақиятида оз бўлса-да, Учтепа туманининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Жумладан, бугунги кунга келиб туманда биргина микрофирмаларнинг сони 6880 тага етди. Жорий йил натижаларига кўра туман бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 117, 9 миллиард сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 107 фоизга кўтарилди. Шунингдек, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича эришилган натижалар 44,6 миллиард сўмдан иборат бўлиб, аниқроқ айтилганда 104, 6 фоизни ташкил этди.

*(Давоми 3-бетда)*

**(Учтепа туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз)**

**Германия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Вольфганг НОЙЕН билан суҳбатлашди.**

## ВОЛЬФГАНГ НОЙЕН: ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

**– Аввало, Ўзбекистон – Германия муносабатлари ривожи ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.**

– Германия билан Ўзбекистон фаол ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Деярли барча соҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорликни самарали давом эттириш ва ривожлантиришга икки томон ҳам алоҳида эътибор қаратаётир. Германия компанияларининг Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти ва мамлакатингизнинг бой табиий ресурсларига қизиқиши катта. Ўзбекистон Германия инвестицияларини жалб қилишга муҳим эътибор қаратмоқда.

Бугунги кунда Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги Ўзбекистон — Германия қўшма корхоналарида қурилиш моллари, юк ташувчи автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда кабеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Маданий-гуманитар соҳада халқларимиз орасида анъанавий алоқалар мавжуд. Тошкентдаги Гёте институти Ўзбекистон маданий ҳаётидан ўзига хос ўрин эгаллаган. Ижтимоий-сиёсий йўналишда Германия сиёсий жамғармалари Ўзбекистон парламенти ва ҳукумати, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу соҳада инсон ҳуқуқлари мавзуида самарали мулоқотлар олиб борилмоқда.

**– Элчи жаноблари, яқинда мамлакатимизда дипломатик миссиянгизни бошлаганингизга икки йил бўлади. Айтинг-чи, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон сизда қандай таассурот қолдирди?**

– Ўтган йиллар мобайнида бетакрор мамлакатингиз бўйлаб кўп сафар қилдим. Сафарларим давомида юртингиз ва халқингиз ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва оилага бўлган муҳаббати беҳад ҳавасимни келтиради. Ўзбекистон турли маданиятлар учрашадиган, тарихий обидалар ва замонавий бинолар ёнма-ён қад кўтарган ва ўзаро уйғунлашиб кетган мамлакат эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбекистонга хос ушбу ранг-баранглик юртингизга алоҳида кўрк ва тароват бағишлайди.

Мустақилликнинг ўтган йигирма йили мобайнида Ўзбекистон беҳад салмоқли йўлни босиб ўтди ҳамда улкан ютуқларга эришди. Айниқса, инфратузилма ва саноат соҳаларига киритилган инвестициялар самарасида глобал молиявий-иқтисодий инқирозни бошқа давлатларга нисбатан анча енгил енгиб ўтишга муваффақ бўлди.

**– Ўзбекистонда ҳам Германияда бўлгани каби футбол халқимизнинг энг севимли спорт тури ҳисобланади ҳамда давлатимиз томонидан футболни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан ўзбек футболининг истиқболига қандай қарайсиз?**

– Спорт, албатта, футбол бетакрор сеҳрга, кучга эга. Футбол орқали эзгу мақсадлар йўлида кўплаб инсонларни ишга солиш, илҳомлантириш, бирлаштириш мумкин. Ўзбек футболи катта салоҳиятга эга. Буни ўсмир йигитларингиз Мексикада бўлиб ўтган ўн еттинчи жаҳон чемпионати мусобақаларида яққол исботлади. Элчихонамиз жорий йилнинг май ойида аёллар футболи бўйича кенг қамровли лойиҳани амалга оширди. Мақсадимиз футболга бўлган қизиқиш орқали Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алмашинувни кенгайтиришдан иборат эди. Ўзбекистонда футболчи қизлар кенг қўллаб-қувватланишини кўриб, жуда мамнун бўлдик. 2012 йилда ўтадиган 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг мезбони сифатида мамлакатингиз танлангани ҳам Ўзбекистоннинг бу соҳадаги улкан салоҳиятини кўрсатиб турибди. Шу боис биз келгуси йил мамлакатингизда бўлиб ўтадиган мазкур нуфузли мусобақани интизорлик билан кутамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мустақилликнинг 20 йиллиги билан муборакбод этаман. Халқингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ**
**суҳбатлашди**

## ЭЗГУЛИККА УНДОВЧИ АНЖУМАН

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида жорий йилнинг октябрь ойида ўтказиладиган VI Тошкент замонавий санъат халқаро биенналесига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, мусаввир ва санъатшунослар, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири Т.Қўзиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида юртимизда халқимиз, айниқса, ёшларнинг маънавияти, бадиий дидини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Юртимизда жаҳон андозалари асосида санъат масканлари барпо этилаётгани, бадиий таълим тизимининг сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётгани, кўплаб халқаро кўргазмалар ўтказилаётгани миллий санъатимизнинг ривожланишига хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан 2001 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказилаётган ушбу халқаро биеннале миллий тасвирий санъатимизни жадал равнақ топтириш, янада бойитиш, ўзбекистонлик ва хорижлик мусаввирларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилги халқаро биеннале Art Week Style.uz/2011 санъат ҳафталиги доирасида бўлиб ўтади. Унда юртимизда замонавий тасвирий санъатни ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар иштирокчиларга кенг таништирилади. Айни пайтда халқимиз, айниқса, ёшлар жаҳон бадиий санъатидаги жараёнлар, ўзгариш ва янгиликлардан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлади. Биеннале доирасидаги илмий анжуман, турли ижодий лойиҳалар ва кўргазмаларда ўзбек мусаввирлари ва хорижлик рассомларнинг ижод намуналари кенг намойиш этилади, жаҳон тасвирий санъатидаги йўналишлар, уларнинг ривожланиш йўллари таҳлил қилинади.

Биеннале тадбирларида ўзбекистонлик рассомлар билан бирга, Австрия, Аргентина, АҚШ, Арманистон, Бразилия, Буюк Британия, Греция, Германия, Нидерландия, Жанубий Корея, Россия, Япония, Туркия, Саудия Арабистони, Хитой, Озарбойжон, Эрон, Латвия, Исроил, Вьетнам, Украина сингари давлатлардан рассом ва санъатшуносларнинг иштирок этиши кутилмоқда. Ранг-баранг ижодий лойиҳалар, бадиий ва фото кўргазмалар Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар зали, Халқаро маданият карвонсаройи, Тошкент Фотосуратлар уйи ва бир қатор музейларда ўтказилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 36-оилавий поликлиникада Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида тиббиёт ходимлари ўртасида анъанавий кўрик-танлов бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги Мусиқа саройида туманда истиқомат қилувчи кексалар, меҳнат фахрийлари учун ҳокимлик, турли жамғармалар, давлат ташкилотлари томонидан байрам кечаси ташкил қилинади.

✓ **КЕЧА** М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



## ЙИГИРМА ЙИЛНИНГ БУЮК МОҲИЯТИ

### Уч буюк замон бирлиги

Замон мавҳум тушунча эмас. У мантиқан учга — ***ўтмиш, бугун ва келажакка*** бўлинади. Халқ — ҳамиша тарихи билан тирик. Тарих фақат ўтмишгина эмас. У халққа, албатта, бугуни, эртаси учун керак. Бу уч замон орасида нақди — ҳозирги замон. Чунки тарих ўтиб бўлган, келажак эса — ҳали олдинда. Биз бугунимиз билан тирикмиз.

Шунинг учун ҳам буюк мутафаккир Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида номаълум бир муаллифнинг мана бу шоҳона байтини келтиради:

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам – бу дамдур, дам – бу дамдур дам – бу дам.

Ҳар ким ўтиб бораётган вақтининг нақдлигини унутмаслиги, уни ғанимат билиб, имкони борича мазмунли, фойдали ўтказишнинг тадоригини кўравериши керак.

### Уч буюк қудрат

Дунёда буюк тушунчалар, муқаддас қадриятлар кўп. Лекин уч тушунчанинг булар орасида ўзгача ўрни ва алоҳида аҳамияти бор.

**Бу – халқ, Ватан, давлат**

Уларни бир-биридан алоҳида тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Халқ бўлмаса, Ватан ва давлат тушунчаларига эҳтиёж ҳам қолмайди. Ватан бўлмаса, халқ қаерда яшайди-ю, қай гўшада давлат қуради? Халқ бўлса-ю, Ватан бўлса-ю, давлат бўлмаса, бу халқ ва Ватаннинг бахти – кемтик...

Ўзбекистон деган буюк тушунча – аслида, ана шу уч тимсолнинг бирлигидан иборат.

Тўғри, 1991 йилнинг 31 августига қадар ҳам халқимиз бор эди. *Ўзбекистон* деган ҳудуд шу-шу эди. Демак, Ватан ҳам бор эди. Фақат нима йўқ эди? Халқнинг қўлида миллий давлати йўқ эди. Бошида ўз давлати йўқ халқнинг пешонаси – шўр, бахти ҳам – яримта. Ўз-ўзидан, нони ҳам бутун эмас.

Ахир, Ватан бўлса-ю, унга ўзинг эга чиқолмасанг. Халқинг бўлса-ю, юрак ютиниб *«халқим»* деёлмасанг. Республика мадҳиясини аввал ўзингдек бошқа бир халққа салом бериб, бошласанг...

Мустақиллик халқни ДАВЛАТга эга қилди. Шундан буён 1 сентябрни Ўзбекистон Республикасининг ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ куни сифатида катта тантаналар билан нишонлаймиз.

### Уч буюк ислоҳот

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августида навбатдан ташқари бўлиб ўтган ўша тарихий сессиясида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги билан бирга халқ ва мамлакат тарихидаги яна бир янгиликни – собиқ социалистик тузумдан воз кечиб, унинг ўрнига янги демократик тузум, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишни эълон қилди. Ана шу янги жамиятни қуриш учун уч йўналишда – **сиёсий, иқтисодий ва маънавий** соҳаларда ислоҳотлар олиб борилиши қайд этилди.

Ўтган 20 йил мобайнида мамлакатимизда ана шу уч ислоҳот изчиллик билан амалга ошириб келиняпти.

### Уч буюк рамз

Давлат бўлганидан кейин унинг рамзлари ҳам қабул қилиниши керак эди. Бу давлат рамзлари қаерда бўлса ҳам, давлатни англатиб, уни ифодалаб туради.

1991 йилнинг 18 ноябрида **Давлат байроғини**, 1992 йил 2 июлида **Давлат гербини**, 1992 йил 10 декабрида эса **Давлат мадҳиясини** қабул қилдик.

Ватан каби Давлат рамзлари ҳам муқаддас саналади.

### Уч буюк босқич

Инсонда хотира ҳар хил бўлади.

Истиқлолнинг 20 йили – тарихан жуда қисқа бир давр. Шунга қарамай, мамлакат улкан ютуқларни қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ҳақда айтган мана бу сўзлар бизни сергакликка ундайди: «*...Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман*».

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг 2007 йилнинг 30 августида бўлиб ўтган Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзуида қилган маърузасида яқин ўтмишга холисона ва таҳлилий баҳо берилди, келажак стратегияси белгилаб олинди.

Президент илк бор истиқлол даври босқичларини икки даврга ажратиб берди. **Биринчи давр 1991 – 2000 йилларни қамраб олади.** Уни Юртбошимиз «*миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган – мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври*» деб номлади. **Иккинчи давр эса 2001 – 2007 йилларни қамраб олади.** У «*фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври*» дейилди. Айнан ана шу иккинчи босқич иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим ўрин тутди.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, **2008 йилдан мамлакатимизда янги, яъни учинчи босқич бошланди.** Шу нарса аниққи, бу босқичда мамлакат барқарор ривожланиш, яъни юксалиш даврига кирди.

Юксалиш даврида ҳаммамизга 20 йил мобайнида қадалган уруғлардан униб чиққан экинларнинг ширин-ширин ҳосилларидан баҳраманд бўлиш насиб этади, албатта.

Ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, мамлакатимизда 6 миллион 800 минг тоннадан зиёд ғалла йиғиб олинди. Жаҳонда молиявий инқироз бўлиб турган бир маҳалда Ўзбекистонимизнинг бу ютуғини ҳаммамиз қувонч билан ҳис этиб, бунинг замиридаги оқилона сиёсатни қадрлашимиз керак.

### Уч буюк иншоот хосияти

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кўплаб йирик корхоналар ва иншоотлар барпо этилди. Улар қаторида уч буюк корхона ҳам бунёд қилинди.

**1996 йили Асакада автомобиль ишлаб чиқарадиган завод** ишга туширилди. Бу билан юртимиз жаҳондаги автомобилсозлик йўлга қўйилган 28 мамлакатнинг бирига айланди. Ҳозир мамлакатимиз йўлларида юрган автомобилларнинг ярмидан кўпи ўзимизда ишлаб чиқарилган.

Энди шунча машинага етадиган ёқилғи ишлаб чиқариш, мамлакатнинг нефть мустақиллигига эришиш керак эди. **1997 йили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи** ишга туширилиши билан нефть мустақиллиги қўлга кирди.

**2006 йили ишга туширилган Кўнғирот сода заводи** эса бу гигант саноат марказларининг учинчиси бўлди. Оролнинг қуриши оқибатида жуда катта майдонларни туз қоплади. Олимлар ўрганса, бу тузларда ойна, яъни шиша ишлаб чиқаришда керак бўладиган сода учун зарур таркиб бор экан. Захираси 100 йилга етар экан. Қувасойдаги ойна заводи сода хомашёсини четдан олиб келар эди. Энди эса бундай ноёб сода ҳам ўзимизга етяпти, ҳам уни четга экспорт қиляпмиз.

## ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

### Уч буюк йўл

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда уч буюк йўл қурди. Биринчиси – Фарғона водийсини Тошкент вилояти ва шу орқали мамлакатнинг бошқа минтақалари билан боғлайдиган Қамчиқ довони. 1998 йили бошланиб, қисқа бир муддатларда фойдаланишга топширилган бу улкан йўл қурилиши – мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Шу тариқа мамлакатимиз орқали автомобиль йўли билан Хитойгача бориш учун зўр имконият очилди.

Фарғона водийси – соф жўғрофий тушунча. Чор атрофи тоғ билан ўралган бу ҳудудда Ўзбекистонимизнинг уч (Андижон, Наманган, Фарғона), Қирғизистоннинг уч (Боткент, Жалолобод, Ўш) ва Тожикистоннинг бир (Сўғд) вилояти жойлашган. Водийни тоғлар ҳар тарафдан ўраб олган. Фақат бир жойдан – Бекобод тарафдан табиий «дарвоза» бор. Сирдарё дарёси ҳам шу ердан биз сари оқиб келади. Темир йўл ва автомобиль магистраль йўли ҳам шу очиқликдан ўтган.

Айнан ана шу табиий шароитини ҳисобга олиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўша XV – XVI асрлардаёқ бу водийни қиш маҳаллари ёғий (душман) босолмаслигини ёзиб кетган. Чунки тоғларга қор тушгандан кейин у ёққа ўтиб бўлмай қолади-да.

Фарғона водийсидаги уч вилоятимизда мамлакатимизнинг 7 миллиондан ошиқ кишидан иборат аҳолиси яшайди. Эскидан мавжуд Қамчиқ довонининг илон изи йўлларидан қиш маҳаллари юришнинг мутлақо иложи йўқ эди. Ёз пайтлари ҳам бу тор йўлдан транспортнинг бугунги талаблар даражасидаги катта оқими учун ҳеч қандай имкон йўқ эди. Тожикистон орқали ўтган катта йўл билан юришга эса, биринчидан, узоқ масофани айланишга тўғри келар, иккинчидан, бу қўшни мамлакат яқин-яқинларгача тинч эмас, учинчидан, бир мамлакат ичида қўшни минтақага иккинчи бир ҳамсоя давлат ҳудуди орқали юриш ҳар тарафлама қимматга тушар эди.

Шу маънода, *давлат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон мустақиллик йилларида бунёд этган энг буюк қурилиш –* ***Қамчиқ довони*** *бўлди,* деб баралла айта оламиз. Бу стратегик аҳамиятга эга буюк иншоот ҳисобланади. Қоялар кесилиб, йўл кенгайтирилди, баланд тоғлар устида жойлашган магистраль пастроқдан ўтказилди, бири 1100 ва иккинчиси 500 метр бўлган туннель қазилди.

Ёш, энди қаддини ростлаб олаётган бир миллий давлат учун бу нақадар катта ютуқ эканини бугун барча тушуниб етмоқда.

Биринчидан, ҳозир 7 миллионли халқ мамлакатнинг бошқа минтақалари билан боғланди, юкини олиб келиши, етиштирган маҳсулотларини, жумладан, ЎзДЭУда яратилаётган автомобилларни олиб чиқиши учун қулай имкониятга эга бўлди. Иккинчидан, водийдаги ишлаб чиқариш корхоналари хомашё билан таъминланяпти, айниқса, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларига Ангрендан катта-катта махсус машиналарда кечаю кундуз нефть хомашёси ташиляпти.

Шу тариқа мамлакатнинг шарқи коммуникатив жиҳатдан мустаҳкамланди.

Ўзбекистонимизнинг шимолида жойлашган икки минтақамиз – Қорақалпоғистон Республикаси билан Хоразм вилояти ҳам маълум даражада узилиб қолган эди. Чунки у ёққа борадиган темир йўл Туркманистон ҳудудидан ўтар, Бухоро вилоятидан чиққанидан кейин қўшни давлат чўллари узра нақ бир кун юрар эди. Аввало, вақтдан ютқазилар, қолаверса, ҳар бир вагон учун бож тўланар эди.

2001 йилнинг охирига келиб умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган **Навоий – Учқудуқ – Султонувайстоғ – Нукус темир йўли** ишга туширилди. Аввало, масофадан ютдик, йўлга кетадиган вақт 6 соатга қисқарди. Бундан ташқари, шу янги йўл ёқалаб ҳаёт жонланди.

Қашқадарё билан Сурхондарё вилоятлари – ўзаро қўшни. Бироқ Қаршидан Термизга бориш учун поезд Туркманистон ҳудудида соатлаб юриши керак эди. 2007 йилнинг августида жами 223 километрни ташкил этган **Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон йўли** ишга туширилди.

Шу тариқа жануб ҳам мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан маҳкам уланди.

Президент Ислом Каримов 2007 йилнинг 30 августидаги маърузасида «*юртимизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласига ҳам республикамизни жадал тараққий топтиришнинг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилаётган*»ини, биз санаб ўтган шу уч буюк йўлнинг «*бу борадаги ўрни ва аҳамияти қанчалик беқиёс эканини*» алоҳида қайд этди. Таъкидландики: «*Бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғига ишончли тарзда бирлаштириб, минтақаларимизда мавжуд бўлган бой минерал-хомашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар яратди*».

### Уч буюк сўз шарофати

Президент Ислом Каримовнинг давлат ва халқ учун буюк хизматларининг эътирофи шундаки, ўзбек халқининг улуғ фарзанди ҳаёти ва фаолияти мазмун-моҳияти уч буюк сўзда мужассам. Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқининг равнақи учун **ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ** йўлида амалга ошираётган эзгу ва улуғвор ишларидан барчамиз ғурурланамиз ва фахрланамиз.

Бу уч буюк сўз моҳиятида эса жуда кўп теран маънолар бор.

### Уч буюк тамаддун

Ўзбек халқи истиқлолгача бўлган тарихида икки бор буюк миллий тамаддунни бошидан кечирди. **Биринчиси айнан IX асрда юртимиз истилодан қутулиб,** алоҳида давлат барпо этганимиздан, **иккинчиси эса XIV асрда мўғул истибдодидан халос бўлганимиздан** кейинги даврда юз берди.

Тўғри, XX асрда ҳам тамаддуний тараққиётга уриниш кучайди. Буни, асли, жадид маърифатпарварларимиз бошлаб берган эди. Лекин шўро даври миллат мунавварларининг миллий тараққиёт ҳақидаги барча ширин орзуларини чилпарчин қилиб ташлади. Бир ҳақиқатга ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак: ҳеч қачон бошқа бир давлатга қарам мамлакатда чинакам тамаддун юз бермаган, юз бермайди ҳам.

Айнан мустабид тузум истилосидан қутулиб, мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз тарихидаги **учинчи умуммиллий тамаддун бошланди**, деб баралла айта оламиз.

Ҳар қандай тамаддун, аввало, буюк шахслар меҳнат-машаққати, ақлу закоси, салоҳиятининг ҳосиласи ҳисобланади. Юртимизда кечаётган ана шу тамаддун, яъни умуммиллий тараққиёт жараёни – Президент Ислом Каримов номи, жасорати, фидойилиги билан бевосита боғлиқ.

Давлат сиёсатида ташланаётган ҳар бир қадам, қабул қилинаётган ҳар бир фармон, қарор, фармойиш, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат яхлит тизимга асосланиши, бирини иккинчиси инкор этмаслиги, бири иккинчисидан келиб чиқиши, бири иккинчисига мос тушиши, бунда буюк бир уйғунликка амал қилиниши лозим.

Шулардан келиб чиқилса давлат раҳбарининг зиммасида қанчалик улкан масъулият юкланганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шахснинг жамиятдаги ўрни – беқиёс. Шундай замонлар келдики, бутун бир халқ бир буюк шахс тимсолида майдонга чиқди. Чунки у дадил туриб, халқни ёруғ келажак сари етаклади.

Президент Ислом Каримов мустамлакадан – мустақилликка; мустабидликдан – озодликка; қолоқликдан – илғорликка; аграр давлатдан – саноати ривожланган мамлакатга; тоталитаризмга асосланган бюрократик тузумдан – демократик тамойиллар устувор бўлган жамиятга; тепадан туриб тузиладиган режа билангина иш кўрадиган ишлаб чиқаришдан – бозор муносабатлари, яъни ўзаро рақобат асосидаги ривожланишга; якка мафкура ҳукмрон жамиятдан – кўппартиявийликка асосланган жамиятга; кейинги асрларда бир давлат бўлиб бирикмаган ҳудуддаги тарқоқликдан – ягона сиёсий кучга айланган яхлит бир давлатга; маънавий парокандаликка юз тутган жамиятдан – маърифатли жамиятга; кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтишга қатъий киришди ва бу борада кўп ишлар амалга оширилди. Юртбошимиз шу тариқа Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этиш йўлида мустамлака туфайли дунёда ҳали унча танилмаган бир халқни олам аро машҳури жаҳон қилди.

Юз йиллар ўтар, минг йиллар кечар, шу муқаддас заминда одамзод яшар экан, келажак авлодлар айнан ИСТИҚЛОЛ даврини, хусусан, унинг ТАШАББУСКОРИ, РАҲНАМОСИ, АСОСЧИСИНИ асло унутмайди ва эътироф этади.

Ҳамма замон ва маконларда сиёсатга давлат ва халқ жипслиги даражасига қараб баҳо берилади. Президентимиз бу қатъиятлиликнинг бошида турибди.

Фуқароларимиз Юртбошимизни халққа, унинг давлатига қаратилган ҳар қандай таҳдидга қарши қалқон бўлиб келаётган буюк куч, юксак адолат тимсоли сифатида қадрлайди.

**Султонмурод ОЛИМ**

---

**Ўзбекистон – хорижликлар нигоҳида**

## ЖАННАТМОНАНД ДИЁРИНГИЗГА МАФТУНМИЗ

**Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, энг улуғ ва энг азиз байрамимизга қизғин тараддуд кўрилаётгани, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари давом этаётганига шоҳид бўласиз. Мамлакатимиз ўзининг тарихий обидалари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари, бетакрор маданияти, ибратли урф-одат ва анъаналари билан сайёҳларни ўзига мафтун этмоқда. Шу кунларда Фарғона шаҳри кўчаларида ҳам кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.**

**Лимона Форнес Рамон (Испания):** – Мамлакатингиз ҳақида кўп эшитганман. Испанияда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилон каби шаҳарларни кўришга орзуманд кишилар кўп. Улар қатори мен ҳам Ўзбекистоннинг тарихий обидалари, машҳур зиёратгоҳларини кўришни орзу қилардим. Орзуим ушалганидан, юртингизнинг диққатга сазовор жойлари, қадимий шаҳар ва ёдгорликлари билан танишиш, меҳмондўст халқингиз билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлганимдан ғоят хурсандман. Европа ва Лотин Америкаси давлатларида бўлганман. Ўзбекистон қадимий ёдгорликлари билан кишиларни ўзига жалб этади. Биз, сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар замон талабларига тўла жавоб беради.

**Моранди Анна Марсиа (Италия):** – Юртингизга келганимга кўп бўлгани йўқ. Лекин Фарғона водийси билан яқиндан танишишга улгурдим. Олтин водийнинг тоза ҳавосида кенг ва равон йўллари, озода ва файзли кўчалари, ям-яшил боғларида сайр қилиб, завқланиб тўймайсан киши. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон жаннатмонанд юрт экан.

Яқинда халқингиз Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлайди. Фарғонада ҳам ушбу байрамга катта ҳозирлик кўрилаётганига гувоҳ бўлдим.

**Анхела Эсмералда (Испания):** – Ўзбекистонга, Фарғона водийсига биринчи марта келишим. Куни кеча Тошкент шаҳрида бўлдик. У ердаги биноларнинг қурилиши, йўлларнинг кенг ва равонлиги, бир сўз билан айтганда, шаҳар инфратузилмаси юртингизнинг қай даражада тараққий топганидан далолат бериб турибди. Пойтахтингизни сайр қилар эканман, кўплаб испаниялик сайёҳларни учратдим. Юртдошларим билан суҳбатлашиш чоғида бир-биримизга мамлакатингиз, халқингиз ҳақида жуда кўп самимий сўзларни айтдик. Хусусан, Ўзбекистоннинг бой табиати, айниқса, бу ерда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, инсонлардаги самимийлик сайёҳларда катта таассурот қолдирмоқда.

**Галзари Маврисио (Италия):** – Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги қадимий ёдгорликлар ҳақида кўп эшитган ва ўқиган эдим. Ўзбекистонга келиб, ушбу шаҳарларни ўз кўзим билан кўрганимдан бахтиёрман. Улардаги тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар кишини ҳайратга солади. Буларнинг барчаси халқингизнинг юксак салоҳияти, бетакрор миллий маданияти, урф-одатларидан далолат беради. Юртингиз чиройли, ўзига хос қурилиш структурасига эга бўлиб, бу ерда кўзни қувонтирадиган гўзал ва файзли масканлар кўп экан.

**М.СУЛАЙМОНОВ**

---

## ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

**Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик халқимиз учун барқарор даромад манбаларини шакллантириш омилларидан бирига айланди. Бугун юртимиздаги иш билан банд аҳолининг салмоқли қисми шу тармоқда меҳнат қилаётгани бунинг далилидир. Давлатимиз раҳбари томонидан соҳа ривожига қаратилаётган эътибор, ишбилармонлар ҳуқуқ-манфаатларининг кучли ҳимояга олингани тадбиркорлик ривожи учун кенг йўл очаётир.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни янада қисқартириш, тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш, тадбиркорларни давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этишга оид қабул қилинган қатор фармон ва қарорлари соҳа ривожида муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан «Тадбиркор тараққиёти – Ватан тараққиёти» мавзуида ташкил этилган семинарда шулар ҳақида гап борди.

Тадбирда мамлакатимизда жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланганi ва бу борада қабул қилинган Давлат дастури асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун катта имкониятлар яратаётгани таъкидланди.

Бу борада адлия идоралари томонидан ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда.

Маҳаллий ҳокимликлар, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Очиқ эшиклар куни»да тадбиркорлар дуч келаётган айрим муаммолар ўрганилиб, тезкорлик билан жойида ҳал этилмоқда.

Шунга қарамай, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўрганишлар давомида бир қатор қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, назорат қилувчи органлар томонидан 371 ҳолатда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ноқонуний текширилган, шунингдек, 1,5 мингга яқин ҳолатда текширишлар тартиби бузилган. Ушбу ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритилган. Натижада, айбдор шахсларнинг 4 минг 423 нафари интизомий, 695 нафари маъмурий, 21 нафари жиноий жавобгарликка тортилди. Мингга яқин ҳужжатнинг ижроси тўхтатилиб, 271 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Судларга киритилган жами 8 мингга яқин даъво аризасига биноан 45,6 миллиард сўм маблағнинг ўз эгаларига қайтарилиши таъминланди.

Ўзбекистон Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда тижорат банклари вакиллари иштирок этган семинарда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**







## УЧТЕПА ТУМАНИ:
# РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Кейинги пайтларда экспорт соҳасида қўлга киритилган ютуқларга, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш эвазига эришилди, десак муболаға бўлмайди. Биргина туман мисолида қараладиган бўлса, жорий йилнинг ўтган ярим йиллиги натижаларига кўра, «Nordlink Aluminium Bulding Materials», «Rommis–Mega» ҳамда «Zemirtex invest» энг яхши қўшма корхоналар қаторидан жой олди. Ушбу корхоналарда бугунги кунга келиб, асосан, ошхона учун мўлжалланган металл буюмлар, шоколад, асбоб-ускуна, текстил маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Дарҳақиқат, иқтисодий ўсиш бор жойда рақобат кучли бўлади. Рақобат бор жойда эса тараққиёт бўлади. Туманда иқтисодиёт соҳасида эришилаётган бу ва бошқа ютуқлар хусусида яна узоқ сўз юритиш мумкин. Бироқ, бошқа соҳаларда эришилаётган муваффақиятлар ҳам оз эмас. Чунончи ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, учтепаликларнинг жисмонан бақувват ва маънан соғлом бўлишини таъминлаш мақсадида 3 та спорт мажмуаси ва яна шунча мусиқа мактаблари, 33 та таълим мактаблари, 10 та сузиш ҳавзалари, битта марказий ҳамда 5 та оилавий поликлиникалар аҳоли хизматида.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини муносиб кутиб олиш ҳар бир учтепаликнинг дилидаги эзгу ниятдир.



# МАҲСУЛОТЛАР ХАРИДОРИНИ ТОПАДИ

**Мустақиллик аввало, бизга ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқини берди. Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир соҳага чуқурроқ эътибор қаратиш ва уни ривожлантириш мақсадида ҳар бир йил алоҳида янги бир ном билан аталмоқда. Табиийки, бу турли соҳаларда, ўз истиқболини кўрсатмоқда.**

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида «Маҳалла–Мурувват» масъулияти чекланган жамияти самарали фаолият юритиб келмоқда.

– Дастлаб биз асосан футболкалар, спорт кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлсак, бугунги кунга келиб, имкониятларимиз даражаси янада кенгайди, – дейди корхона раҳбари Шавкат Боқиев. – Натижада иш ўринлари сони ортиб, ҳозирда корхонамизда 40 дан ортиқ фуқаролар иш билан таъминланган. Касаначиликни йўлга қўйиш мақсадида эса 10 га яқин аёлларнинг бандлик масаласини ҳал этишга эришдик. Корхонамиз замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Тадбиркорларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар натижасида мебель цехини ҳам ташкил этдик. Бугунги кунда спорт кийимлари билан бирга, тўққиз ёшдан юқори бўлган ўғил-қизларимизга кийим - кечак тикиш ва идоралар учун мўлжалланган мебеллар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқдамиз. Шунингдек, вилоятларда ҳам филиалларимизни ташкил этдик. Хусусан, Фарғона вилоятидаги филиалимизда футбол тўплари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Келажакдаги мақсадимиз эса имкониятларимизни янада кенгайтириш ва экспорт учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали юрт равнақи ва ривожига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Олий Мажлис Сенатининг 2005 йил 6 майдаги қарорига асосан ушбу ҳудуд Учтепа тумани деб атала бошлади.
- Туманнинг умумий майдони 2800 га.ни ташкил қилади.
- Туманда иккита тиббиёт илмий-текшириш институти мавжуд.
- Ушбу сўлим гўшадаги Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ҳамда Солиқ академияси олий даргоҳларида юртимиз фарзандлари таҳсил олаётирлар.
- 183 та спорт майдончалари ва учта болалар учун мўлжалланган спорт мактаблари аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлаш йўлида хизмат қилиб келмоқда.
- «Ўрикзор» даҳаси ва «Карвон» бозори ташкил этилди.
- «Учтепа» спорт мажмуаси қурилди.
- Сузиш ҳавзаларининг сони 10 тани ташкил қилади.
- «Боғишамол» истироҳат боғи барпо этилди.
- «Изза» мавзеси ташкил топди.
- Туманда «Бешқайрағоч» ва «Ибн Сино» мавзелари оралиғида янги, учинчи трамвай линияси ишга туширилди.
- Учтепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан тумандаги барча корхона ва ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринлари ва вакант жойлар ҳақида тўғридан–тўғри маълумот берувчи янги On–line тизими йўлга қўйилди.
- Қурилиш – коммунал коллежи ўқувчиларнинг таълим олиш масканига айланди.
- «Кўкча «Оқтепа» янги бозори аҳолининг юртимизда етиштирилаётган сифатли маҳсулотларга бўлган талабларини қондириш йўлида хизмат қилмоқда.
- Бугунги кунда тумандаги қўшма корхоналар сони 117 тага етди.
- «Фарҳод» деҳқон бозорида тубдан реконструкция ишлари олиб борилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.
- Гузарлар сони 33 тага етди.
- Республикамиз миқёсида илк бор, туманда «Dimax metall servis» МЧЖда бизнес клиника ташкил топмоқда.
- «Баркамол авлод» маркази ишга туширилмоқда.
- «Шофайз» кўприги қурилди.

Маҳалла

# ОБОДЛИК САРИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

**Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан жойларда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Бекобод» маҳалласи томон йўл олар эканмиз, кираверишда қисмида ёши улуғ отахон–онахонларимизнинг юзларида табассум, сўзларида шукроналик билан бу ерда бўлаётган ҳашар ишларини кузатиб турганларининг гувоҳи бўлиб, улар даврасига қўшилдик.**

– Маҳалламизда тадбиркорлар ҳомийлигида, фаолларимиз кўмагида янги арка қурилмоқда, – дейди «Бекобод» маҳалласи фуқаролар йиғини бош маслаҳатчиси Хайрулло Убайдуллаев. – Биз неча ўн йиллардан буён маҳалламизда арка бўлишини орзу қилганмиз. Нега десангиз, кираверишда қурилган аркани мажозий маънода бўлса–да, дарвоза сифатида қабул қилишимиз мумкин. Шундай экан, энди бизнинг маҳалла ҳам бедарвоза эмас. Ушбу гўзал тарзда қад кўтараётган арка масканимиз чиройига чирой қўшади, албатта.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан пойтахтимиз янада чирой очиб, маҳаллаларимиз кундан-кунга ободонлашиб бормоқда. Биргина мисол: ўн тўртта кўчадан иборат ушбу остонаси обод маҳаллада бугунги кунда уч минг нафар аҳоли истиқомат қилаётир. Бу ерда жойлашган битта мактаб ва мактабгача таълим муассасаси эса маҳаллада яшаётган ёш авлод вакилларининг билим олиб, келажак тасаввурларини янада бойитиш йўлида беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган сайловлар натижасида энг кўп овоз олган янги фуқаролар йиғини раиси ҳам ушбу ҳудуднинг янада ободонлаштирилиб, аҳолига кўпроқ қулайликлар яратилиши йўлида ишлаб чиқилган турли лойиҳалар асосида меҳнат қилмоқда.

–Маҳалланинг янада обод бўлиши ва тинчлигини таъминлаш мақсадида қатор ишларни амалга оширмоқдамиз, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоира Маҳмудова. – Жумладан, вояга етмаганлар билан иш олиб бориш, умумтаълим мактабларини тамомлаган ўқувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир. Машойихларимиз болани ниҳолга ўхшатганлар. Шунинг учун ҳам ёшларимизни тўғри тарбиялаб, йигит-қизларимизнинг бугундан билим ва малакаларини ошириш мақсадида улар ўртасида турли мавзудаги давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, фертил ёшдаги аёллар саломатлигининг доимий назоратда бўлишини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш каби масалалар ҳам муҳим саналади. Шуларни инобатга олган ҳолда, бу ерда истиқомат қилаётган аёлларнинг соғлом бўлиши ва иш билан таъминланиши учун барча шароитлар яратилган. Жорий йилда маҳалламизда янги футбол майдони бунёд этилди...

Энг муҳими, маҳалла тақдирини ўз тақдири билан боғлаган, аҳоли хизматига доимо камарбаста ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси бу ерда истиқомат қилувчилар олдида берган ваъдасини амалга ошириш ва ҳудуди осойишталиги ва ободончилигини таъминлаш йўлида қатор ишларни бажаришда давом этмоқда.

Кўчаларга турли кўчатлар экилиб, остонаси обод бўлиши йўлида барчанинг ўз ҳиссасини қўшиб келаётганлиги ҳам ушбу сўлим гўшанинг янада файзли ва обод бўлиши йўлидаги муҳим қадамлардир.

# ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

**Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари жамиятнинг ташаббускор, ижтимоий-сиёсий жараёнларда энг фаол қатлами ҳисобланади. Ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг камолоти йўлида кўплаб ташкилотлар, хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам турли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.**

Жумладан, «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман бўлими Кенгаши томонидан йигит-қизларга моддий ва маънавий кўмак бериш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ёшлар ижтимоий хизматлар» марказининг 2008 йилдан буён ўз фаолиятини юритаётгани ҳам фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Ушбу маскан фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб, шуни айтиб ўтиш мумкинки, бугунги кунда ушбу марказда бешта йўналиш бўйича турли тўгараклар ташкил этилган бўлиб, «Инглиз тили», «Компьютер саводхонлиги», «Соғлом турмуш тарзи», «Ёш оилалар билан ишлаш», «Ёшлар ташаббуслари» курслари шулар жумласидандир.

– Марказимиз йил давомида ўғил-қизларга беминнат хизмат кўрсатиш билан шуғулланади, – дейди «Ёшлар ижтимоий хизматлар» маркази мувофиқлаштирувчиси Ж. Ўринбоев. – Бу ерда 7 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ўзларини қизиқтирган соҳалар бўйича таълим олишлари мумкин. Даргоҳимизда ўз касбининг усталари бўлган малакали ўқитувчилар ёшларга таълим бериш билан бирга, касблари сир-асрорларини ҳам ўргатиб келмоқдалар. Ҳозирда марказда жами 150 га яқин йигит-қизлар таҳсил олмоқда. Шунингдек, марказимиз томонидан турли мавзулардаги тадбирлар мунтазам ўтказиб борилади. Албатта, кўплаб ёшларни қамраб олишга интиламиз. Янги-янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этамиз. Бундан мақсад, келажак эгаларини ҳар томонлама соғлом қилиб вояга етказиш, дунёдаги илғор давлатлар қаторида Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон ўлкамизнинг довруғини янада оширишдан иборат.

**Саҳифа материалларини Садоқат АСЛАНОВА тайёрлади**
**Жасур Шамсиев олган суратлар**

«Камолот»

# ЯНГИ ЛОЙИҲА

**«Камолот» ЁИҲ бир неча йиллардан буён йигит-қизларнинг манфаатлари йўлида қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ёшлар ташкилотининг шаҳар бўлими Кенгаши фаоллари томонидан ижтимоий кўмакка муҳтож ёшлар учун ташкил қилинган навбатдаги лойиҳа ҳам юзлаб ўсмирларни ўз атрофида жамлади.**

Мамлакатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан кўплаб дастурлар ташкил қилиниб, жойларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

– Ташкил қилинган тадбирларнинг асосий мазмун ва моҳияти пойтахт аҳолиси ва ёшларни байрам билан муносиб қутлаш, маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, шунингдек, юртимизда мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлардан хабардор қилиш, маҳалла ёшлари ҳамда ёш авлодни жисмонан баркамол шахслар қилиб тарбиялаш орқали маънавий дунёқарашларини кенгайтиришга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат, – дейди шаҳар Кенгашининг «Иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар билан ишлаш» бўлими мудири Баҳодир Зиёвиддинов. – «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларни ягона мақсад сари бирлаштирувчи, уларнинг юксак орзу-интилишларини мужассамлаштириб, ҳаётий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот ҳисобланади. Шундай экан, «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида ташкил этилган «Боликнинг манзили Ўзбекистон!» деб номланувчи янги лойиҳа «Бешёғоч» маҳалласида ўтказилди. Унинг бош мақсади пойтахт маҳаллаларида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш ва улар учун маданий тадбирлар, концерт дастурлари ва ижодий учрашувлар ташкил қилиш орқали ёшлар қалбида она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантиришдан иборат.

Тадбирни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Маҳмуд Асомов очар экан, иштирокчиларни Энг азиз ва энг улуғ байрамимиз — юртимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги билан муборакбод этиб, ўзининг эзгу тилакларини билдирди.

– «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан байрам муносабати билан маҳалламиз ёшлари учун ташкил қилинган ушбу тадбир уларнинг ота-оналарида ҳам катта таассурот қолдирди,– дейди «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Вилоят Худойбердиева. – Бу каби тадбирлар юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиб, инсонларда Ватан равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилиш ҳиссини уйғотади десам, муболаға бўлмайди.

Байрам давомида маҳалла болалари учун спортнинг шахмат-шашка тури бўйича фестивали, арқон тортиш мусобақалари, «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» мавзусида асфальтга расм чизиш тадбирлари бўлиб ўтди. Шунингдек, эстрада хонандалари, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреатлари ва бошқа кўплаб санъат юлдузлари томонидан юрт озодлигини тараннум этувчи куй ва қўшиқлар ижро этилди. Тадбир давомида фаол иштирок этган маҳалла ёшларига ташкилотнинг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар тақдим этилди.

**Рухсора ЭЛЬМУРАТОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Сергели саноат касб-ҳунар коллежи тасаруфида бўлган 40 ўринли буфетни ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар 1 ҳафта муддатда қуйидаги телефонларга мурожаат этишлари мумкин.
**Тел: (371)257-74-16, 257-60-49**

Учтепа туманидаги Тошкент юридик коллежи ошхонасида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича 2011-2012 ўқув йили учун тендер танлови эълон қилинади. Тел. 271-42-35.

Чилонзор туманида 2011 йил 28 июнда № 007118-08 рақамда рўйхатдан ўтказилган Чилонзор тумани, 7-мавзе. 1-уй, 75-хонадонда жойлашган «THUNDER-NORMAL» МЧЖ (ИНН 302040068) тугатилади.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Чилонзор тумани, 7-мавзе, 1-уй, 73-хонадон манзили бўйича қабул қилинади. Тел: 357-00-90

Юнусобод тумани, 9-мавзе, 3-«А»уй 30-хонадонда истиқомат қилувчи Туйчиев Мурат номида бўлган уй режаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясининг «Назорат ўтиш жойи» нозири Хайрулло Ҳабибиллаевич Тўлагановга укаси
**Сайдуллонинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

